# ИТТИФОҚ ДАВЛАТИМИЗНИ ЯНГИЛАЙЛИК

## М. С. ГОРБАЧЕВнинг

### КПСС Марказий Қўмитаси Пленумида 1990 йил 10 декабрда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!

Иттифоқ шартномаси тўғрисидаги масала нега ушбу Пленум муҳокамасига қўйилганини ҳаммамиз тушуниб турибмиз. Бу масала қайта қуриш, демократиялаш, социалистик янгиланиш мақсадини кўзловчи бутун йўлимизни давом эттириш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бизнинг ноёб этник таркибга эга бўлган, 150 дан ортиқ элатни бирлаштириб турган, улардан кўплари қадимий давлатчилик анъаналари соҳиби бўлган мамлакатимизда ижтимоий муносабатлардаги чуқур ўзгартишларни миллий муносабатлардан ажратиб бўлмайди. Қайта қуришнинг дастлабки қадамларидан бошлабоқ партия асосий йўл-йўриқлардан бири сифатида иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳуқуқларини ошириш, миллий сиёсатимиздаги жиддий янглишишларни, бир қанча халқларга нисбатан йўл қўйилган адолатсизликларни бартараф этиш йўлини тутди. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида миллий масалага катта эътибор берилди. Марказий Комитетнинг ўтган йилги сентябрь Пленумида шу масала юзасидан партиянинг Ҳаракат дастури қабул этилганлиги муҳим босқич бўлди. Албатта, XXVIII съезднинг қарорлари бизнинг бу соҳадаги фаолиятимиз асоси бўлади.

Бу ғоялар ССЖИ халқ депутатлари съезди ва Олий Кенгаши, жумҳуриятларнинг олий ҳокимият органлари қабул этган кўпгина ҳужжатларга асос қилиб олинганлиги бизнинг миллий масалага ёндашувимиз мамлакатнинг, унда яшовчи барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигининг исботидир.

Бироқ, ўртоқлар, биз бу йўлни изчиллик билан турмушга татбиқ этишга муваффақ бўлинмаганини тан олишимиз керак. Амалий жараёнлар жуда мураккаб тарзда ривожланиб борди. Биз миллий заминдаги ўткир можароларга дуч келдик. Шу масалалар теварагида сиёсий кураш авж олиб кетди, бу курашга чинакам миллий кучларгина эмас, ҳаддидан ошган миллатчи-шовинист кучлар ҳам фаол қўшилдилар. Биз миллатчилик тамойилларига, жумладан, ўз сафларимизда ҳам муносиб зарба бера олмадик. Натижада баъзи жумҳуриятларнинг Компартияларида бўлиниш содир бўлди, бир қисм коммунистлар тушкунликка тушиб, байналмилалчилик қоидасидан чекинди, ҳолбуки, бу қоидага риоя этилмаса, социалистик қадриятларга садоқатли чинакам ишчи, халқ партияси бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз бу мавзуда неча марталаб гапирганмиз ва у ҳақда гапираверамиз, чунки партия билан мамлакатнинг тақдирига тааллуқли масалалар ҳақида гап боряпти. Чунки КПСС ҳозир умумиттифоқ миқёсидаги бирдан-бир сиёсий куч бўлиб турибди. Гарчи партия ҳокимиятга ҳукмронликдан воз кечган бўлса ҳам, у кўп миллатли давлатимизнинг келажаги учун масъулиятни зиммасидан асло соқит қилмайди. Бу галги Пленумнинг вазифаси аввало тараққиётнинг бурилиш босқичида партиянинг мамлакат барча халқлари учун ҳаётий муҳим масала хусусидаги нуқтаи назарини: Иттифоқимиз сақланиб қоладими ва у қандай бўлиши керак? — деган масала хусусидаги нуқтаи назарини айтишдан иборатдир.

**КПСС Иттифоқни сақлаб қолиш ва тубдан янгилаш тарафдоридир. Бу тактик тадбир эмас ва вазият тазйиқи остида кимгадир ён бериш ҳам эмас, балки партиянинг принципиал нуқтаи назаридир.**

Иттифоқ давлатини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлигининг ўзини шубҳа остига қўйишга уринаётган кишиларга жавобан биз қуйидаги далилларни келтиришимиз керак.

Бизнинг мамлакатимиз бамисоли яхлит танадек шакллантирилган. Неча ўн йиллар, ҳатто юз йиллар давомида йўлга қўйиб келинган алоқаларни узиш ва сўнгра уларни қайтадан тиклаш — барча халқларимизга беҳисоб зиён етказиш бўлур эди. Одамларнинг неча-неча авлодлари бунинг жабрини тортишларига тўғри келган бўлур эди. Башарти ҳозир шакллантирилаётган умумиттифоқ бозори ўрнига божхона тўсиқлари, мустақил валюталар ва ҳатто чегара қопқалари билан тўсиб қўйилган «бачки» бозорчалар пайдо бўлган тақдирда бой бериладиган жуда катта имкониятлар ҳақида гапираётганим ҳам йўқ. Ҳатто ҳозир ягона давлат шароитида қўшниларнинг ва мамлакатнинг манфаатларини ҳисобга олмай, хўжалик юритишга уринишлар жуда катта зиён етказди ва энди биз бу масалалар билан шошилинч равишда шуғулланишимиз керак.

Ҳозирги нуфус вазияти ҳам Иттифоқни, албатта, янгиланган шаклда сақлаб қолиш кераклигини исботловчи жуда кучли далилдир. Ўн миллионлаб кишилар ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшаб турибдилар, бошқа миллионлаб кишилар эса минглаб инсоний алоқалар билан боғланган. Мана шундай кўп кишини жойидан қўзғатиш, шу алоқаларни бузиш — мамлакатнинггина эмас, бутун дунёнинг ҳам турмушига фалокатли таъсир ўтказадиган ҳалокатга олиб бориш бўлур эди.

Шу муносабат билан биз чегараларни ўзгартира бошлашни талаб қилаётган, Потсдамга ишора этаётган сиёсатчилар билан қўшилиш бир ёқда турсин, фаол мавқеда туриб уларга қарши курашмоғимиз керак. Гўё муайян тарихий шароитлар бўлган эди, энди янги тарихий вазият вужудга келди. Келинглар, чегара масаласига қайтиб, бу чегараларни қайтадан бичайлик, деган гаплар айтилмоқда. Булар бориб турган сиёсий гижгижловчилардир.

Қочоқлар муаммоси одамлар билан бундай муомала қилиб бўлмаслигини, инсоний алоқалар сингиб кетган миллатлараро муносабатлар каби новик муносабатларни ҳал қилиш учун сунъий схемаларни тиқиштириш ярамаслигини қатъий равишда эслатиб турибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қочоқлар сони бир неча юз минг кишига етди. Бу одамлар учун катта фожиадир, бинобарин давлат уларнинг қисматини енгиллаштириш учун ҳамма чораларни кўришга мажбур.

Одамларни мажбуран, аслида зўравонлик билан оммавий равишда кўчиришнинг ҳалокатли иқтисодий оқибатларини ҳам кўра билмоқ керак. Ҳақиқий аҳвол шундайки, бир қанча жумҳуриятлардаги мутахассисларнинг, малакали ишчиларнинг кўпчилигини кўпгина миллатларнинг вакиллари ташкил этади, уларнинг кетиб қолиши иқтисодиётга ва аҳолининг ҳаёт таъминотига салбий таъсир қилади. Чунончи, Ўрта Осиё жумҳуриятларида этник заминдаги зўравонликнинг авж олиши натижасида аҳоли кўчиб кетишининг ҳозирги суръатлари давом этадиган бўлса, икки-уч йилдан кейин замонавий, мураккаб ишлаб чиқаришда мутахассислар ва ишчилар мутлақо етишмай қолади.

Халқларимизга Иттифоқ зарурлигининг яна бир сабаби шуки, бу — улар хавфсизлигининг ишончли кафолати ва халқаро обрў-эътиборнинг асосидир. Ҳозир жумҳуриятларимиз халқаро майдонга мустақил равишда чиқа бошладилар. Бунда уларнинг салмоғи ҳозирги жаҳон тартибининг тиргакларидан бири бўлган қудратли Иттифоқ давлати унинг ортида турганлиги билан белгиланади. Мана шу шак-шубҳасиз афзалликлардан воз кечилганида, агар лавозимларга интилаётган манфаатпараст тўдани эмас, балки халқни назарда тутадиган бўлсак, бирон-бир жумҳурият бундан ютиб чиқади, деб ўйламайман.

Ниҳоят, ҳозирги жаҳон тараққиётининг бутун тажрибаси Иттифоқни сақлаб қолиш кераклигини кўрсатиб турибди. Европада ҳам, бошқа қитъаларда ҳам мамлакатлар ва халқларнинг ўзаро боғланиши, яқинлашуви, уларнинг бирлашуви тамойили яққол кўриниб турибди. Бугина эмас: куч, маблағ, билимларни кооперациялашдан олинаётган манфаат тобора кўпроқ сезила бошлаган сари марказга интилувчан ҳаракат суръатлари ортиб бормоқда

Хуллас, КПСС — Иттифоқ тарафдори. Бу — бизнинг принципиал фикримиз

Биз эълон қилиб қўйилган нормалар билан сиёсий воқелик ўртасидаги тафовутни қатъият билан бартараф қилиш тарафдоримиз. Бу ўринда мен давлатимиз федерация деб аталса ҳам, аслида унитар давлат бўлиб келганлигини назарда тутаётганимни тушунаётгандирсиз. Кўп ўн йиллар давомида халқларимизнинг сон таркибида, уларнинг иқтисодиётида, маданиятида, миллий ўзлигини англашида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Мана шуларнинг ҳаммаси мамлакатнинг миллий-давлат тузилишида муносиб равишда ифодаланиши лозим. Шу йўлда олға силжишга ундайдиган яна бир сабаб қайта қуриш доирасида амалга оширилаётган ўзгартишлар мажмуи билан боғланган. Демократиялаш, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш — мамлакатимизда рўй бераётган барча иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар жумҳуриятларнинг, минтақаларнинг, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг ташаббускорлигини имкони борича авж олдириш учун шароит таъминлаб берадиган сиёсий тузилмаларни барпо этишни тақозо қилади.

Халқларимиз ўз тараққиётининг асосий масалаларини ҳал этишда мустақиллик берилишини қатъий қилиб айтганликлари жуда катта аҳамиятга эгадир, албатта. Ўтмишда жумҳуриятларнинг бирон қадам қўйишига мутлақо имкон бермаган маҳкамачилик системасининг уқубатли васийлигидан халос бўлиш муддаоси тушунарли ва мутлақо ҳаққонийдир. Социалистик йўлга садоқатли партия учун ўз сиёсатида омманинг хоҳиш-иродасини мужассамлаштиришга тайёрлик қонун бўлиши керак. Биз худди шундай йўл тутиб кўпмиллатли давлатимизни федерация қоидалари асосида мустақил совет жумҳуриятлари Иттифоқига айлантириш тарафдори бўлиб майдонга чиқдик.

Шу тариқа КПСС иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар олий ҳокимият органларининг мустақиллик тўғрисида қабул этаётган декларацияларига ўз муносабатини ҳам билдирди. Биз жумҳуриятларнинг мустақиллигини тўла-тўкис тан оламиз ва уни милатлараро муносабатларнинг бутун системасини соғломлаштириш, Иттифоқнинг ўзига янги сифат бахш этиш имконини берадиган қоида деб биламиз.

Ўз фикрининг ҳақлигига ишончи комил бўлган КПСС айирмачиликка қатъиян қаршидир. Айирмачилар мамлакат ичкарисида ва чет элларда афкор омманинг кўз ўнгида ўзларини озодлик ва демократия учун ғоявий курашчилар қилиб кўрастишга интилмоқдалар. Бунда совет фуқаролигидан маҳрум бўлишни мутлақо истамаётган неча юз минглаб кишиларнинг ҳуқуқи ҳақида гапирмаганда ҳам, оз сонли миллатларнинг қонуний манфаатларини поймол қилмоқдалар.

Айирмачиларни халқларнинг ҳақиқий орзу-умидлари қизиқтирмаётганлиги, улар муқаддас туйғуларни рўкач қилиб ўз режаларини рўёбга чиқариб олишга интилаётганликлари энди очиқ-ойдин кўриниб қолди. Баъзи миллатчи кайфиятдаги арбоблар «буюк» Литва, Украина, Молдова ва шу кабилар ҳақидаги шиорларни эълон қилиб, у ёки бу ҳудудларни ошкора даъво қила бошлаганликларига ҳам бепарво қараб бўлмайди. Бу нарса нималарга олиб келиши мумкинлиги ва ҳозирнинг ўзидаёқ нималарга олиб келганлиги ҳаммага яхши маълум.

**Шуни очиқ айтаман: ҳозир мамлакатда ҳаддидан ошган ашаддий миллатчиликдан, миллатлараро адоватни авж олдиришдан ҳам каттароқ хавф-хатар йўқ.** Биз бунга қарши кескин курашар эканмиз, қатъий ҳуқуқий мавқеда турамиз. Бу хусусда ҳеч қандай шубҳа-гумон бўлмаслиги учун шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: КПСС миллатларнинг ўз тақдирини белгилашдан иборат сўзсиз ҳуқуқи, ҳатто ажралиб чиқиш ҳуқуқи тарафдоридир.

Аммо бу — ҳатто ҳокимият тепасида турган бўлса ҳам, бир гуруҳ кишиларнинг ҳуқуқи эмас, балки айни **халқларнинг ҳуқуқидир.** Қандай давлатда яшаш масаласи фақат референдум якунида ҳал этилиши мумкин. Башарти бирон-бир жумҳурият барибир ажралишга қарор берса, тегишли қонун талабларига албатта риоя этилган, барча фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланган ҳолдагина шундай қилиш мумкин бўлади.

Биз ўз нуқтаи назаримизни аниқ белгилаб олишимиз зарур бўлган муҳим масала жумҳуриятлар ва Иттифоқ ваколатларининг нисбатига тааллуқлидир. Аслида ҳозир мамлакатда ана шу масала теварагида ғоявий баҳс ва сиёсий кураш авж олиб кетди. Мана шу мунозараларнинг моҳиятини чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, бунда биринчи галда гап моддий қадриятларни тасарруф этиш ҳуқуқи тўғрисида бормоқда. «Қонунлар уруши» деб аталмиш мунозара айни мана шундан бошланди. Мамлакатнинг миллий — давлат қурилиши қайта ўзгараётган ҳозирги пайтда, табиийки, давлат мулкига эгалик қилиш, турли даражадаги идораларнинг ваколатлари сингари масалалар юзасидан хилма-хил фикрлар пайдо бўлади, дейишлари мумкин. Агар ана шу баҳслар пировард натижада келишиб олинган қарорларни ишлаб чиқиш имконини берса, бундай даъвони бутунлай ўринли дейиш мумкин бўлур эди.

Афсуски, ваколатларни фарқлаб олиш жараёни назоратдан чиқа бошлади, ошкора рақобат тусини олди. Бу — фалокатли ҳодиса бўлиб, бундан иқтисодиётнинг бутун-бутун тармоқлари ҳаммадан кўра кўпроқ зарар кўради, танг аҳволга тушади, корхоналар ўртасидаги табиий алоқалар издан чиқади, давлат ва меҳнат интизоми негизларига путур етади. Мен 17 ноябрь куни Олий Кенгаш муҳокамасига тақдим этган ва Олий Кенгаш маъқуллаган сизларга маълум таклифларни ана шундай чидаб бўлмас аҳволга чек қўйиш муддаоси тақозо этган эди. Орадан бир ҳафта ўтгач халқ депутатлари съезди тегишли қонунни кўриб чиқади.

Масалани қуйидаги жиҳатдан ҳам ўртага қўймоқчиман. Биз мулк муносабатларини ислоҳ қилишга, одамни заводнинг, колхознинг, совхознинг эгаси қилишга, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўлидан боришга, акционерлик, кооператив, халқ ижара корхоналарини ташкил этишга интиляпмиз. Жамоа эгалик қилган бундай корхона ҳозирнинг ўзидаёқ умумиттифоқ бозорининг асосий бўғини, унда қатнашувчи шахс, субъектдир. Мана ҳозир хўжалик раҳбарлари билан учрашувда корхона мулкининг кимга қарашли бўлиши масалаларидаги чалкашликлардан кўпгина корхоналар қийин аҳволга тушиб қолганлигини ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилиши мумкин бўлган ҳолатда эканлигини айтдилар. Гап шундаки, бу корхоналар барча жумҳуриятлар билан боғланган, шу тарзда ташкил топган. Агар корхоналар улкан бозор имкониятларидан фойдаланиб, янада жўшқин ривожланса, меҳнат унумдорлигини ўстиришга тезроқ омил бағишласа, янги жумҳуриятларнинг ҳам, Иттифоқнинг ҳам суверенитети энг яхши тарзда рўёбга чиқмайдими, ахир? Натижада ҳар бир киши кўпроқ иш ҳақи олади, оиласининг аҳволи яхшиланади; жумҳурият бюджетига ҳам, Иттифоқ бюджетига ҳам ва маҳаллий бюджетга ҳам ажратмалар миқдори ортади.

Биз ҳаммамиз шуни назарда тутишимиз кераккки, ваколатларни фарқлаб олиш тўғрисидаги мунозара заминида Иттифоқ кучли суверен давлат бўладими ёки мужмал рамзий тузилма бўлиб қоладими? — деган катта сиёсий масала турибди. Ўйлайманки, бунинг жавоби аниқ.

Тўғри, бизнинг мақсадимиз — «Сўнгги Россия империяси»га барҳам беришдан иборат деб айтаётган оқимлар пайдо бўлди. Ана шу туҳматчиларга бундай жавоб бериш мумкин: жаноблар, сизлар 70 йилдан кўпроқ вақтга янглишдингиз. Россия империяси 1917 йилда барҳам топган. Тўғри мамлакатнинг шундан кейинги тарихида қораланиши лозим бўлган кўпгина воқеалар содир бўлган, бир қатор миллатларга муносабатда адолатсизликлар ва жиноятларга йўл қўйилган. Бироқ халқларимиз ССЖИ таркибида бирлашиб қўлга киритган улкан ғалабаларга соя ташлашга ҳеч ким муваффақ бўла олмайди. Ҳеч ким рус халқини бошқа халқларга нисбатан империя ҳукмронлигини амалга оширганликда айблай олмайди. Биздаги қийинчиликлар, азоб-уқубатлар ва ғам-алам ҳамманинг қисмати бўлди.

Шуни айтиш лозимки, баъзида умумийлик ва хусусийлик диалектикасини етарли даражада чуқур тушуниб етмаслик ҳам нотўғри ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Кучли жумҳуриятлар — кучли марказ деган ифоданинг моҳияти шундан иборатки, Иттифоқ ўз вазифаларини бажара олиши ва жумҳуриятларга фойдали бўлиши учун унинг анча кенг доирадаги ваколатлари сақланиб қолиши керак. Бу ваколатларни жумҳуриятларнинг Иттифоқ идораларига юборилган вакиллари амалга оширишлари ғоят муҳимдир.

Келинглар, сиёсий иттифоқсиз иқтисодий алоқаларни сақлаб қолайлик, деган мулоҳаза ҳам бор. Аммо бундай таклиф билан чиқилганда, шундай қадамнинг барча муқаррар оқибатларига сергаклик билан баҳо бериш ва буни халққа тўғри айтиш керак. Мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида ошкора гапириш лозим. Одамлар алданиб қолмаслиги даркор. Чунки айирмачилар гуруҳига нафли бўлган нарсалар меҳнаткашларнинг мутлақ кўпчилиги учун ҳалокатлидир.

Умуман олганда Иттифоқни қайта ўзгартириш билан боғлиқ муаммоларга бизнинг ёндашувимиз ана шундай. Пленум баён этилган мулоҳазаларни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Энди **Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси тўғрисида.** Лойиҳа ҳозирнинг ўзидаёқ кенг муҳокамага асос бўлди ва гарчи бу хусусда турли фикрлар билдирилаётган бўлсада, умуман лойиҳа қўллаб-қувватланмоқда. Бу — мамлакатимиз барча халқларининг манфаатларига мос келадиган, уларнинг Иттифоқни сақлаб қолиш ва янгилашга бўлган муддаоларини ўзида мужассамлаштирадиган тўла қонли ҳужжатни ишлаб чиқиш учун яхши заминдир. Жумҳуриятлар лойиҳа устида жамоа бўлиб ишлаш учун Москвага тўпланадиган ўзларининг нуфузли вакилларини ажратишлари тўғрисида келишиб олинди.

Сизлар шартнома матни билан таниш бўлганингиз учун уни батафсил шарҳлаб ўтиришимнинг зарурати йўқ. Баъзи жиҳатларигагина тўхталаман. Жумҳуриятлар ҳокимият ва бошқарув идораларининг хилма-хил тузилишида Иттифоқимиз шундай умумий пойдеворга асосланиши кераккки, бусиз Иттифоқни ички зиддиятлар муқаррар емирган бўлур эди. Бу ўз-ўзидан равшан. Бундай пойдевор Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг биринчи қисмида баён этилган демократия, инсон ҳуқуқлари ва умумбашарий қадриятлар, ижтимоий адолат ва ҳимояланиш, иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги қоидалардан ҳам иборатдир. Жумҳуриятларнинг биргаликда миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, таълим, фан ва маданият ишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, инсонпарвар маънавий қадриятлар жадал айирбошланишига ва ўзаро бойишига кўмаклашиш, мустаҳкам тинчлик учун, ядро қуролини тугатиш учун, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатларнинг ҳамкорлиги ва бирдамлиги учун курашиш муддаолари тўғрисидаги фикрлари ҳам шулар жумласига киради.

Умуман лойиҳанинг биринчи қисми Иттифоқ Совет давлатининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий негизи деб баҳоланиши мумкин бўлган фикрлардан иборат.

Лойиҳанинг бошқа бир муҳим хусусияти шундан иборатки, унда ваколатларни шарҳлаш тўғрисидаги масала асосли тарзда ҳал этиб берилган, деб ўйлайман. Бир томондан, жумҳуриятларнинг мустақил давлат тарзида мавжудлиги ва ривожланишига бутунлай ва тўла-тўкис кафолат берилади, уларнинг бирлашиши Иттифоқ мустақиллигининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бошқа томондан, Иттифоқ идоралари давлатимизнинг давомийлигини сақлаб қолиш ва умумий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиши учун уларга етарли ҳуқуқлар берилган.

Яна бир ғоят муҳим масала — Иттифоқ субъектлари тўғрисида гапирмоқчиман. ССЖИ Олий Кенгаши қабул қилган қонунга биноан эндиликда улар орасида иттифоқчи жумҳуриятларгина эмас, шу билан бирга мухтор жумҳуриятлар ҳам бор. Маълумки, уларнинг ҳаммаси мустақиллик тўғрисида ўз декларацияларини қабул қилдилар. Декларацияларда уларнинг иттифоқдош жумҳуриятлар таркибида бўлиши масаласи турлича ҳал этилади. Бу қанчалик муҳим ва мураккаб сиёсий, шунингдек ижтимоий-иқтисодий масала эканлигини гапиришнинг зарурати бўлмаса керак. Бу тарздаги ҳар қандай ўзгаришлар бир қатор оқибатларга сабаб бўлиши мумкин ва биз уларни яхши кўра билишимиз, пухта назарда тутишимиз лозим, албатта.

Бизнинг энг муҳим нуқтаи назаримиз шундан иборатки, кўп ёки кам сонли эканлигидан қатъи назар ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу масалани ҳал этишда ҳисобга олиниши зарур бўлган объектив ҳолатлар ҳам мавжуд. Ҳар қандай шиор, ҳар қандай қоида қўлланиши натижасида иш яхши юришганда, миллий ривожланиш, одамлар турмуши учун бирмунча қулай шарт-шароит вужудга келгандагина аҳамиятга эга бўлади. Ҳеч қандай шиор бирдан-бир мақсадга айланиб кетмаслиги лозим.

Хуллас, бу борада ҳали энг мақбул ечимларни излашда катта ишларни амалга ошириш керак бўлади. Бундай изланиш, табиийки, ваколатли идораларнинг иш доирасида олиб борилади, унда ўз-ўзидан равшанки, кенг жамоатчилигимиз ва илм-фан иштирок этади. Партиямиз ҳам шу билан боғлиқ масалалар туркумини ҳар томонлама кўриб чиқиши ва ҳар бир алоҳида ҳолатга татбиқан ўз мавқеини эгаллаши керак бўлади. Ушбу масалаларни алоҳида таъкидламоқчиман, чунки уларни фақат амалий тарзда ҳал этиш мумкин.

Биз, афтидан, шартномадаги қоидани қўллаб-қувватлаш учун барча асосларга эгамиз. Ана шу қоидага мувофиқ жумҳуриятлар бевосита, шунингдек бошқа жумҳуриятлар таркибида Иттифоқда қатнашишлари мумкин. Зотан, биринчи Иттифоқ шартномасини ҳам РСФСЖ делегацияси таркибига кирган кўпгина мухтор жумҳуриятларнинг вакиллари имзолаганлигини эслатиб ўтишни истардим.

Ниҳоят, кўпгина коммунистлар, меҳнаткашлар нима учун шартнома лойиҳаси давлат номига ўзгариш киритмоқда? — деб бераётган саволга тўхталмоқчиман. Энг аввало бу нарса социализм йўлидан бораётганлигимизни ҳеч қандай тарзда ўзгартирмайди. Шартнома лойиҳасида биз социализм билан, унинг инсонпарвар, халқчил табиати билан боғлайдиган ғоялар ва қоидалар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Лойиҳада давлатчилигимизнинг халқчил тусда бўлиши тўғрисидаги кўрсатма сақлаб қолинган. Мен бунда «Совет Иттифоқи» тушунчасини назарда тутяпман. Мамлакатимиз етмиш йилдан кўпроқ вақтдан буён дунёда шундай бўлиб келмоқда ва у бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шартнома партиявий ҳужжат эмас, балки давлат ҳужжати бўлиб, у жумҳуриятлар баён этган турли нуқтаи назарларни ҳисобга олиш натижаси сифатида шаклланганлигини ҳам назарда тутиш лозим. Жумҳуриятларнинг баъзилари ўз номини ўзгартиришга қарор берганлиги маълум. Шунга биноан Иттифоқнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам ўртага қўйилди. Шу нарса равшанки, мазкур масала янги Иттифоқ шартномасини қайсидир жумҳурият имзолаши учун тўсқинлик қилмаслиги зарур. Номида ижтимоий тузуми ифодаланган бирорта ҳам давлат дунёда деярли йўқлиги ҳам далил қилиб келтирилади.

Бу масала ҳали узил-кесил ҳал этилмади, аммо у қандай ҳал этилмасин, такрор айтаманки, бу нарса давлатимиз табиати ва унинг сиёсати йўналиши ўзгарганлигини билдирмайди. Улар ижтимоий адолат ва ҳимояланишга, барча меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашга асосланган социалистик йўналишлар бўлиб қолади.

Марказий Комитет Пленуми ўз нуқтаи назарини билдирадиган яна бир муҳим масала бор. У ҳам бўлса, **Иттифоқни қайта ўзгартиришни қандай тартибда ва қайси муддатларда амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидир.** Тахминан қуйидагича: келинглар шошма-шошарлик қилмайлик, мустақиллик тўғрисидаги декларацияларга мувофиқ жумҳуриятлар мустақиллигини мустаҳкамлайлик, Конституцияни қабул қилайлик, сўнгра эса Иттифоқ шартномаси тўғрисида ўйлаймиз, деган ёндашув ҳам бор.

Жумҳуриятларнинг янги Конституцияларини ишлаб чиқиш — муҳим иш, албатта. Бироқ бунда Иттифоқнинг жумҳурият ҳаётидаги мавқеи ва ўрни тўғрисидаги масалага муттасил дуч келинишини назарда тутиш лозим. Очиғини айтганда, жумҳуриятнинг Иттифоқ давлатидаги иштирокидан келиб чиқадиган барча алоқаларни ҳисобга олмай, аслида Конституциянинг вазифаси бўлган сиёсий, иқтисодий турмуш тарзини қандай қилиб аниқлаш мумкинлигини тасаввур этиш қийин. Бу масаланинг бир томонидир. Бошқа томондан эса — 15 та Конституция юзага келганда биз ҳаммамиз қандай аҳволда қоламиз ва қай тарзда келишиш йўлини излаймиз? Умумий фикрга келиш, эндигина қабул қилинган Конституцияларга қайтиш ва уларга тузатишлар, эҳтимол, баъзида муҳим тузатишлар киритиш керак бўлади. Бу эса ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда биз Ильичнинг қуйидаги гапларини ёдда тутишимиз лозим: умумий масалаларни аниқлаб олмай туриб, хусусий масалаларни ҳал этишга киришма. Акс ҳолда ҳамма вақт умумий масалаларга дуч келаверасан.

Бу фикр катта ўзгаришлар рўй бераётган жумҳуриятларга нисбатан айниқса тўғридир. Улар Иттифоқда ўзларининг ўрнини аниқлаб олмаса, уларнинг таркибига кирадиган давлат ва миллий-ҳудудий тузилмалар билан ўз муносабатларини аниқлаб олишлари жуда мушкул бўлади.

Мудофаа, хавфсизлик, ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, транспорт, яъни Иттифоқ доирасида куч-ғайратларни бирлаштириш йўли билан таъминланиши кўзда тутилаётган барча соҳалар сингари давлат бошқарувининг ғоят муҳим масалалари Конституцияда қандай ҳал этилади, деган савол туғилади.

Ҳозирги вақтда энг муҳими жумҳуриятлараро битимлар тузишдир, деган нуқтаи назар ҳам бор. Шубҳа йўқки, бу жумҳуриятлар ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиши ва шу тариқа кўп томонлама алоқаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаши мумкин. Бунда фақат ана шу битимларни Иттифоқ шартномасига ва умумиттифоқ бозорига қарама-қарши қўйиш ва бунинг устига уларни ана шу битимлар билан алмаштириш назарда тутилмаган тақдирдагина шундай бўлиши мумкин.

Мана шунинг учун ҳам жумҳурият Конституциялари ва жумҳуриятлараро битимлар хусусида иш олиб борилаётганда Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолаш йўлидан қатъий бориш, шартнома имзолангунга қадар Иттифоқни ўзгартириш билан боғлиқ янги қоидаларни давлатимиз тузилмасига жорий этиш мумкин ва зарур, деб ҳисоблаймиз. Қайта қуришнинг дастурий мақсадларигина эмас, шу билан бирга мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг долзарб эҳтиёжлари ҳам шуни тақозо этмоқда. Сизларга маълумки, эслатиб ўтилган таклифлар асосида 17 ноябрдан бошлаб ижроия ҳокимиятини, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, озиқ-овқат билан боғлиқ аҳволни тезроқ барқарорлаштиришга ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган туркум амалий чоралар кўрилмоқда.

Бугунги кунда партия олдида Иттифоқни сақлаб қолиш ва янгилаш йўлида мамлакатда қудратли сиёсий кайфиятни вужудга келтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш вазифаси турибди. Бу иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари учун ҳам ҳал қилувчи имтиҳондир.

Ўртоқларимизнинг бир қисми шиддатли сиёсий кураш шароитига бардош беролмай, йўлдан чалғиганлигини эътироф этиш керак. Баъзилар миллатчилар ва шовинистлар олдида таслим бўлганлиги аччиқ ҳақиқатдир. Болтиқ бўйида, Украинанинг Ғарбий вилоятларида, бошқа районларда оппозицияда иш кўраётган коммунистларга осон бўлмаяпти. Улардан кўпчилигининг руҳи тушмади, вазиятга мувофиқ иш кўриш учун ўзларида куч топдилар, танлаб олган йўлимизни, социалистик қадриятларни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар халқ депутатлари Советларида тузилган фракциялар ва гуруҳлар билан фаол иш олиб боришлари, бошқа сиёсий оқимларнинг вакиллари билан фикрлашиб олишлари, Иттифоқни сақлаб қолиш ва янгилаш учун кенг демократик ҳаракатни ташкил этишгача умумий йўлни ишлаб чиқишлари керак бўлади. Агар айирмачиларнинг ниятлари устун келса, халқлар қандай хавф остида қолиши мумкинлигини ҳар бир одам тушуниб етиши даркор. Бу иш қанчалик мураккаб бўлмасин, муваффақият учун асослар бор.

Халқларимизни ўтмишда бирлаштириб ва жипслаштириб турган барча нарсаларни сақлаб қолишга, авайлаб асрашга бўлган кучли интилиш халқимиз онгида сақланиб қолаётганлиги бугунги кунда ҳам ўзаро ёрдам ва мададга таяниш имконини беради. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, совет кишилари баъзи сиёсатчилар тушунишни истамаётган нарсани: биргаликда қийинчиликларни енгиш, мамлакатни юксалтириш, унинг бутун имкониятини намоён этиш бир мунча осон эканлигини яхши тушунадилар.

---

## ССЖИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш муаммоси ҳали ҳам жаҳон ҳамжамиятини тўлқинлантириб келмоқда, — деди БМТ атроф муҳит дастури (ЮНЕП)нинг ижроия директори М. Толба 11 декабрь куни ССЖИ ташқи ишлар вазирлигининг матбуот марказида журналистлар билан бўлган учрашувда. М. Толба ўзининг Совет Иттифоқида бўлган чоғида суҳбатларда шу масала билан биргаликда Орол бўйидаги экология мувозанатини тиклаш, Байкал кўли атрофидаги ва бошқа минтақалардаги мутаносибликни сақлаб қолиш мавзулари ҳам тилга олинганлигини айтди. М. Толба жамоат ва ноҳукумат ташкилотларининг экология соҳасидаги ҳамжиҳатлигига катта аҳамият берди.

**(ТАСС мухбири).**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Звёздний шаҳарчаси (Москва вилояти), 11 декабрь. **(ТАСС мухбири В. Хрустов).** Кеча Орқалиқ. чўлида ерга қўнган Геннадий Манаков, Геннадий Стрекалов ва Тоехиро Акияма ўзларини жуда яхши ҳис қилишмоқда, деди журналистлар билан учрашувни очаётиб Ю. А. Гагарин номли фазогирлар тайёрлаш марказининг бошлиғи авиация генерал-лейтенанти В. Шаталов. Шунинг учун шифокорлар шу бугуноқ журналистлар билан кичикроқ учрашув ўтказишга рухсат беришди.

Марказнинг бош шифокори И. Тарасов фазогирларнинг жисмоний аҳволи анча дуруст эканлигини маълум қилди. Ҳозир мутахассислар уларни парвоздан кейинги тиббий кўрикдан ўтказишга киришдилар. Бу кўрик саломатликни тиклаш тадбирлари билан бирга, одатдагидек, ярим ой (Тоехиро Акияма учун эса, албатта, анча камроқ) вақтни олади.

Фазогирлар ана шу икки ҳафта давомида учишни бошқариш марказининг, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари, тажрибалар муаллифлари билан ҳам учрашадилар, орбитага қилинган хизмат сафари тўғрисида ҳисобот тайёрлай бошлайдилар.

Тоехиро Акияма парвоз тўғрисидаги ўзининг дастлабки таассуротларини ўртоқлашди. Геннадий Манаков билан Геннадий Стрекалов «Мир» комплексига қилинган еттинчи асосий экспедициянинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб бердилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

# Маҳалладош

Декабрь, 1990 йил
№ 23 (35)



⊙ НОИЛА опа Шомуҳамедова хушмуомалалиги, оиласида кечираётган камтарона турмуши билан ҳурматга сазовор бўляпти. У маҳаллада яшагани туфайли хонадонларимизга зарур бўлган миллий жиҳозлар, уларнинг турлари ва пишиқ-пухталигини яхши билади. Бу эса ўз навбатида онахон 36 йилдан бери меҳнат қилаётган «Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бежирим ва сифатли бўлишида ўз ифодасини топмоқда.

СУРАТДА: меҳнат фахрийси Н. Шомуҳамедова (чап томонда) ҳамкасабаси Ҳалима опа Ҳамидова билан.

Х. Мирзакаримов сурати.

Ноҳия маҳаллаларининг қурултойи

## ҚАДРИЯТЛАР ҚАРОР ТОПГАНДА

БИРИНЧИ қурултой Ҳамза ноҳияси аҳли учун тантанали тадбир тусини олди. Уларнинг кўпчилиги эрта тонгдан ноҳиядаги йирик корхоналардан бири — «Тошкентвино» ишлаб чиқариш комбинати томон йўл олдилар. Улар орасида доимо рўзғор юмушларидан ортиб бирор жойга боролмайдиган уй бекалари ҳам талайгина эди. Юзида илиқ табассум балқиб турган ана шундай аёллардан бирига яқинлашамиз.

— Жаҳоной Расулбекова, — деб ўзини таништиради опа. — Қурултой бўлишини эшитиб, жуда хурсанд бўлиб кетдик. Ниҳоят мақсадимизга эришиш учун имконият туғилибди. Бу ерга албатта ҳаммамиз дардимизни тўкиб-солиш учун эмас, уларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш учун тўпландик. Мана бугун барча раҳбарларимиз бу ерга тўпланишаяпти. Улар хасратларимизни яна бир марта эшитиб, шояд ёрдам қўлларини чўзишса. Айтсам, балки кулгили ёки арзимас бўлиб туюлар. Биз яшаётган «Умид» маҳалласида ҳаммом йўқ. Йўқ эмас ўзи бор, аммо бу 19-ҳаммомимизнинг савлатидан бўлак ҳеч нимаси йўқ, доимо қулф.

Маҳаллалар ҳақида сўз кетгудек бўлса, гап дарҳол муаммоларга бориб тақалишини сезгандирсиз. Жаҳон опанинг куюниб гапиришларида жон борлигини мажлисгоҳга тўпланганлар нигоҳидан билиб олса бўларди.

Бир ярим йиллик фаолият юзасидан маъруза қилган Ҳамза ноҳияси маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Неъмат Ҳасановнинг сўзлари аччиқ, аммо далилли эди. Ноҳияда маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши тузилгач, унинг аъзолари ҳар ойнинг 26-кунида тўпланишга қарор қилишди. Бу куннинг белгиланиши бежиз бўлмаган. Тошкентда 1966 йилнинг 26 апрелида ўша машъум ер силкиниши кўплаб одамларни бошпанасиз қолдиргани маълум. Зарар кўрган хонадонлар янги иморатлар солишиб, ўз туғилган жойларини тарк этишга мажбур бўлганлар. «Янгиобод» даҳаси ҳам худди шу кезларда тузилган эди. Янги экилган нав-ниҳоллар, кўкатлар ва гулзорлар барпо бўлиб, даҳа ободонлашди. Бироқ охирги йигирма йиллар ичида бу ердаги маҳаллаларда аҳвол оғирлашиб кетди. Ариқларда сув қуриб. ниҳоллар кўкараолмай қолди, экинлар ўсишдан тўхтади. Бир парча бўлса ҳам экин қилишга ўрганган халқимиз ердан ҳеч нарса ололмай қолди. Эндиликда ноҳиянинг 35 та маҳалласи учта зонага бўлиниб, иш кўрмоқда.

— Биз нимага эришдик, — дея ўтирганларга мурожаат қилади Н. Ҳасанов. — Аввало ўзлигимизни танишга чақирдик. Бир-биримизга меҳр-оқибатли, имон-эътиқодли бўлайлик. Ундан кейин ёшларимизга йўқолиб бораётган анъаналаримизни берайлик, урф-одатларимиздан бефарқ қолишмасин, яна болаларимиз тарбиясини бугундан қўймаслигимизни асосий вазифа, деб билдик. Шу мақсадда корхона ва мактаблар ўртасида узвий бир боғланиш бунёд бўлди. Масалан, 145-мактаб Ёқуб Алиев номли маҳалла билан яқиндан алоқада. Енгил темир-терсак заводи Нодира маҳалласининг муаммоларини ечишда ёрдамини аямай келади.

Одамлардан тушаётган арзи-ҳолларни ўз вақтида бартараф этиш ҳам биринчи галдаги вазифаларимиздан. Хусусан, 18-поликлиникадаги тартибсизликлар ҳақида кўпчиликдан тушган шикоят кўрилди. Аммо ҳамма ишимизни силлиқ кетаяпти, деб бўлмайди.

«Гулистон» маҳалласида раис билан котибдан бошқа ҳеч ким бу жамоатчилик ишига аралашишни ўзига эп билмайди. «Иззат» ва «Ҳосият» кўчаларининг бир томонидан ҳар доим сув босиб ўтади. «Латофат» кўчасидаги симёғочларга сим тортилмаганига ишонасизми? Хуллас, ҳар бир маҳалланинг ўз дарди бор.

Ноҳияда ободонлаштириш бошқармаси, канализация, суғориш ишлари билан шуғулланадиган идораларнинг фаолияти талабга мутлақо жавоб бермайди.

Қурултойда ҳар бир маҳалладан чиққан вакиллар ўз муаммоларини, дардларини тўкиб солар эканлар, улар қачон ҳал бўлади, деган саволни ҳам ўртага ташлашарди. Шу пайтгача бу ерларда нимаики иш бажарилган бўлса, ҳаммаси маҳалла аҳлининг ўз кучи билан бўлаётганини таъкидлашди.

Бу ҳақда жумладан «Янгиобод» даҳасидан Турғун Толибназаров, ноҳия хотин-қизлар кенгашининг аъзоси Холисхон Тўлаганова, «Ғалабанинг 40 йиллиги» маҳалласидан Озод Шоумаров, Маҳмуд Одиловлар батафсил гапирдилар.

— Биздаги 2 минг оилада 10 минг киши бор. — деди Юнусов номли маҳалла қўмитаси раиси Қодирхўжа Йўлдошев. — Маҳалламизда партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Мавжуд учта мактабда 2200 нафар бола ўқийди, Бошқаларни билмадиму, аммо бизда милиция ҳисобида турадиган бирорта ҳам бола йўқ. Маҳалламизда чойхона комплексини қурмоқчимиз. Маблағ ҳам топдик. Ноҳиядан 740 минг сўм ажратилди. Аммо уни қуриб берадиган ташкилот тополмай қийналяпмиз. Пул бўлиб, иморат қуролмасанг, алам қиларкан.

Қодирхўжа ака гапларини тинглаб туриб, беихтиёр кенгашлар қаёққа қараяпти, халқ вакили деган номни олган баъзи бир депутатларчи, деб қоласан киши. Улар ёрдам бермаса, яна бошқа кимга умид қилиш мумкин? Шканакин «ССЖИ халқ депутатлигига сайласанглар, уйларингни газлаштириб бераман», деб катта ваъда қилди. Лекин бу масала ҳал бўлгани йўқ. Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлигига сайланаётган Ботир Қосимовдан ҳам шу ваъда олинувди. Амалда эса бу ишни ширкатчиларга топширадиган бўлди. Газчи-ширкатчилар ҳамма ишни ўлда-жўлда қолдириб кетишди.

Ўйлаб-нетмай қуриб ташланган ариқлар («Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида тескари қурилган ариқлардан сув кетолмай, тошиб ётади) учун зовур қазишга эриниб, симларни сув оқадиган ариққа ётқизиб чиқилганини қандай баҳолаш мумкин?

Хуллас, қурултойда фикр алмашишларнинг кети узилмайди. Хўш бу йиғин муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берармикин? Шунча аччиқ гапларнинг бирор нафи тегармикан?

— 3665 нафар аҳолиси бўлган маҳалламизда чироқ, газлаштириш ва канализация ишлари аянчли аҳволда, — дейди «Умид» маҳалла қўмитаси раисининг ўринбосари Шерназар ака Қорабоев. — Майли, буларни ҳам қўйиб турайлик. Ҳали минбарда ҳам айтувдим, яна қайтараман. Метрополитен қурилиши муносабати билан трамвай ва поезд йўли оралиғида кенглиги 50 метр келадиган жой ахлатхона бўлиб ётибди. Бунга на трамвай ва на темир йўл бошқармаларидаги раҳбарлар бошини қотиради. Ўша жойни обод қилиб, гулзорга айлантириб қўймоқчи бўлдик. Аслида метронинг Чкалов бекатидан М. Ашрафий кўчасигача темир йўл бўйлаб аҳоли яшайдиган хонадонлар кўчирилган эди. Кейин янги қурилаётган метро депоси учун М. Ашрафий кўчаси томонидан ер ости тармоқлари ўтказилди. Шундан кейин у ер ахлатхонага айланганича қолди. Ноҳия раҳбарларига бу борада бир неча бор мурожаат қилишимизга қарамай, амалий ёрдамдан дарак бўлмади. Ниҳоят Чкалов номидаги тайёрасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг муовинлари Волков ва Раҳимов ўртоқларга ишонч билдириб, жумҳурият ҳамда шаҳар халқ депутатлигига сайладик. Буларнинг ҳам ваъдасини эшитаяпмиз-у, амалий ишларни кўрмаяпмиз.

Ҳамзаликлар тарихида биринчи бор бўлиб ўтган қурултойда муҳим режалар белгилаб олинди. Маҳаллаларни таъмирлаш, обод қилиш, анъана, урф-одатларимизни тиклаш — бу маънавий қадриятларимизни тиклаш билан баробар. Ўз навбатида эса бу бир пайтлар бутунлай эътибордан қолган маҳаллаларнинг муаммоларини ниҳоят бажаришга киришилишига умид учқунларини пайдо қилди.

Феруза ҒУЛОМОВА.

Хушхабар

## ШУКРУЛЛО НОМИДАГИ БОҒ

АФҒОНИСТОНДА байналмилал бурчини ўтаган Шукрулло ўзи бошқарган танк билан кўплаб жанговар операцияларда иштирок этди. Қақшатқич жангларнинг бирида машина қаттиқ шикастланишига қарамай, экипаж душман билан сўнгги дамларгача олишди. Шукрулло орамиздан эрта кетди. Кўрсатган мардлигини у билан бирга хизмат қилган тенгқурлари ва яқин кишилари ҳеч қачон унутмайдилар.

Шукрулло Мўминов пойтахтимизнинг Киров ноҳиясидаги «Қизил деҳқон» маҳалласида туғилиб, вояга етган. Жамоа аҳли маҳалладошларининг номини абадийлаштириш ҳақида кўпдан бери ният қилиб юришган эди. Шу мақсадда ҳашар уюштирилиб, 50 сотих келадиган қаровсиз, ўт босиб ётган майдон тозаланди, мевали дарахтларнинг ниҳоллари экилди. Яқинда боғнинг очилиш маросимига бағишлаб ўтказилган йиғилишда кўпчилик сўзга чиқиб, шу жойни Шукрулло номи билан аташ таклифини киритишди. Маҳалла қўмитасининг раиси Нурмуҳаммад Абзалов, ноҳия ҳарбий комиссариати бошлиғи, подполковник Кужеков ва маҳалла кексалар кенгашининг раиси Толип Обидовлар ҳам бу фикрни маъқулладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, боғнинг барпо этилишида ССЖИ халқ депутати А. К. Эргашевнинг қўшган ҳиссаси катта бўлди.

С. БОЗОРБОЕВ.

## СИМТЎРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Геокабель» ширкатида чиқинди кабеллардан симтўр ясаш жорий этилди. Боғ-чорбоғлар атрофини ўраш учун қулай бўлган бу маҳсулотнинг дастлабки туркуми корхона дўконида сотилаяпти. Маҳалла ва мавзеларда яшовчи аҳоли талабини ўрганган ширкатчилар келгуси йилдан бошлаб ҳар ойда 3 минг квадрат метр симтўр тайёрлашни режалаштиришди.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Оила иқтисодиёти

# ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИН

ОИЛАЛАРИМИЗ янги иқтисодий сиёсатга тайёрми? Бозор муносабатларига ўтиш камхарж, ўртамиёна ҳаёт кечираётган оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан нималар беради? Энг муҳими, серфарзанд ўзбек хонадонларида бундан кейин тўй-ҳашамлар, маърака-маросимлар қай тарзда ўтказилади? Нарх-наво тобора баландлаб бораётган бир шароитда расм-русмларимиз тўла-тўкис, рисоладагидек бўлишини чўнтагимиз кўтарармикан?

Шу кунларда бундай саволлар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Лекин уларга аниқ жавоб тополмаётганлар сон-саноқсиз. Кўча-кўйда, транспортда таниш-нотанишлар сўз юритиб ҳар ким ўзича фикр билдиришга ҳаракат қилади.

Ҳеч бир йил бу йилчалик тўйлар, ош тарқатишлар кўп бўлмаган, дейишади кексалар. Йигирмага етиб-етмаган йигитлар, ўн еттига кирган қизларимизнинг кўплари оилали бўлиб олишди. Майли, бахтли бўлишсин. Масаланинг бошқа томони бор. Менимча, кўпчилик бозор иқтисодига ўтиш ваҳимасида тўйларни эртароқ ўтказиб олишга ҳаракат қилишаётганга ўхшайди. Чунки нарх-наво тўғрисидаги миш-мишлар кишини ташвишга солиб қўймоқда.

Ҳар бир янгиликни ҳаётга тадбиқ этиш учун яхшигина тайёргарлик кўриш талаб этилади. Айниқса бозор иқтисодига ўтиш аввало маънавиятимизда, онгимизда, кайфиятимизда, муомала-муносабатимизда, қолаверса, турмушимизга мустаҳкам ўрнашиб олган расм-русмларимизда ўзгариш қилишимизни тақозо этади. Ҳамма нарса тақчиллашиб, пулингизга топилмайдиган, ҳаёт кечириш оғирлашиб бораётган бир пайтда бундай ўзгаришга зарурат янада ошиб кетди. Давр олдимизга турли муаммоларни кўндаланг қўйган экан, уларни ҳал қилишга янгича онг, куч-ғайрат, янгича интилиш лозимлиги барчамизга аён. Оила иқтисодиётини барқарорлаштириш, янги иқтисодий сиёсатга мослашиб яшаш учун ишни нимадан бошлаш керак, деган саволнинг туғилиши табиий.

Дунёда ҳеч бир халқ биздек кўп йиллар «йиққан йиғинини, тугг△ан тугунини» 2-3 кун тўй қилиб, совуриб юбормайди. Минг шукр. Лекин ҳар нарсада меъёр, мезон бўлгани маъқул. Бундай кўнгилчаклигимиз эндиликда жуда қимматга тушмоқда. Тўйларимизни кўрган бошқа халқлар «ўзбекларнинг ҳаммаси серпул, сердаромад, ишламаса ҳам юзлаб одамларга ош беради», деган нотўғри фикрда бўлмоқдалар. Аслида бу дастурхонни ёзиш учун бир неча йиллар дам олишдан, даволанишдан, яхши еб-ичишдан ўзни тийиб, тежаб-тергаб йиғилганини улар билишармикан? Тўйларимизда қуйидаги ўзгаришларни жорий этишни таклиф қилардим.

Аввало тўйга таклиф этиш масаласида. Ҳозир шаҳримизда тўла бўлмаса-да, деярли кўп хонадонларда телефон бор. Тўй ва бошқа маросимларга телефонда таклиф этилса. Шу мақсадда ҳар бир хонадонда «Оила дафтари» тутилиб, унга таклиф, манзилгоҳ, маросимнинг вақт-соати ёзиб қўйилса биз кўп нарсани тежаб қолардик. Вақт, таклифнома кетидан оворагарчилик, ёқилғи...

ЗАГС ҳақида. Шу куни 20-30 ёшни иш-ўқишидан қолдириб шаҳарни айлантириб чиқиш шартмикан? Бундай одат ота-боболаримизда бўлмаган-ку. Бизнингча, келин ва куёв томондан узоғи билан 3-4 нафардан ёшлар ЗАГСдан чиқиб, никоҳ ўқитиб уйларига қайтганлари маъқул. Машинанинг қандай тоифада (қўш узукли «Чайка». «ГАЗ—24» ёки «Тойота») бўлиши бахтли, тотув турмуш қуришга гаров бўла олмайди.

Қиз зиёфатини ҳам ортиқча деса бўлади. Бир турмушга битта тўй, битта базм кифоя.

Келин салом хусусида. Яқинда бир хонадонда тўй тарқаши олдидан келин салом ўтказишди. Жуда чиройли чиқди. Тегишли амма-холалар тайёрлаб қўйган совға-саломларни келиннинг бошига қўйишиб, уни хонадонга қутлуғ қадами билан муборакбод этишди. Одатда эрталаб ўтказиладиган бу маросимга 15-20 чоғли аёллар қолишади. Айниқса кўп қаватли уйларда жой торлигидан жуда қийналадилар.

Менинг таклифларим бировга ёқар, бировга ёқмас. Ҳаммамиз биргалашиб ўйлашиб, мулоҳаза қилиб кўрайлик нималардан воз кечиш, нималарни қисқартириш, қандай янгиликларни киритиш мумкин. Тўйларимизда озгина бўлсада бурилиш ясасак, оилада иқтисодга эришамиз, бола-чақамиз қийналиб қолишмайди. Қолаверса, бозор иқтисодига тайёргарликни шулардан бошласак чакки бўлмайди.

**Э. САЛИМОВА,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати илмгоҳининг доценти, фалсафа фанлари номзоди.**

Бизга мактуб йўллабсиз

# ҚИШ КЕЛДИ, ҚАЧОН УЙҒОНАСИЗ?





МАНА, ўлкамизга қиш ҳам кириб келди. Бундай дамларда энг аввало яшаётган жойинг камчиликлардан ҳоли бўлмас экан, оилада хотиржамликка эришиш қийин. Буни рўзномамиз хатлар қутиси орқали олинаётган мактубларнинг мазмунидан ҳам билса бўлади. Билдирилаётган фикрларнинг аксарияти жойларда қишга тайёргарлик кўнгилдагидек бўлмагани сабабли кўплаб муаммолар юзага келганини яққол кўрсатиб турибди.

«Уйдан катта асфальт кўчагача калишда чиқиб, у ёғига бошқа оёқ кийим кийиб кетишимизга кўпчилик ишонмаса керак, — деб бошлабди ўз хатини Киров ноҳиясидаги «Темирйўл» кўчасида истиқомат қилувчи А. Отабеков.— Ҳар йили қиш келди дегунча тинчлигимиз бузилади. Чунки лой кечиб, кун сайин кўпайиб бораётган ахлатлар уюмлари орасидан ўтиб, хизматга, болаларимиз эса мактабга қатнаши кишини ранжитади, албатта. Бундай ночор аҳвол қачонгача давом этаркин?». Муштарийимиз бизга йўллаган талабномасининг бир нусхасини Киров ноҳия ижроия қўмитасига ҳам ҳавола этган. Ўйлаймизки, яқин орада бу жойда ижобий ўзгаришлар бўлади.

Ҳозирги кунда пойтахтдаги 31 та маҳаллада кўмир ва ўтин ёқилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳудудлар газлаштирилгунга қадар қиш фаслида ёқилғи билан таъминлаш мақсадида бир нечта кўмир омборлари жамоаларга бириктириб қўйилган. Афсуски, уларнинг хизматидан барча ҳам миннатдор бўлаётгани йўқ. Айниқса, пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмида истиқомат қилаётган аҳоли қишда уйларини иситишда қийинчилик сезишмоқда.

Қўлимиздаги мана бу мактубни Октябрь ноҳиясидаги «Боғ» кўчасида яшовчи А. Ҳикматов, Ҳ. Абдуллаев, М. Бобожонова, «Маориф» кўчасидан А. Қаюмовлар йўллашган. Шикоят мазмуни билан танишиб чиққан киши «Илғор» маҳалласида юзага келган танг вазиятдан кўпчилик азият чекаётганини тасаввур этиши қийин эмас. «Маориф» кўчасининг 3-ўтувидаги 10-уй орқали биз яшаётган хонадонлардан ўтадиган ариқ турмуш шароитимизга, санитария нормаларига жиддий таъсир кўрсатмоқда, — дейилади мактубда. — Илгари тоза, тиниқ оққан сув ўрнида эндиликда турли хил чиқиндилар, мағзаваларни кўриш мумкин .Улар атрофга ёқимсиз ҳид тарқатаётир. Инфекция тарқатувчи каламушларни айтмайсизми? Улар кундан-кунга кўпайиб, уй ертўлаларини илма-тешик қилиб, касаллик тарқатишмоқда. Қиш пайтида бу «очиқ канализация»га ахлат ва балчиқдан ташқари ёмғир-қор сувлари тўпланиб қолишидан сувлар уйларимизга, ертўлаларга жиддий таъсир кўрсатаяпти, деворлар захтортиб, қулаб тушмоқда. Масалан, «Боғ» кўчасидаги 30-уйда яшовчи меҳнат кексаси Ҳ. Абдуллаев иморатининг бир қисми босиб қолганлиги сабабли бошқатдан қурилди. Айни пайтда 38-уй ҳам босиб қолиш арафасида. «Маориф» ўтувидаги 44-уйнинг бир қисми ишдан чиқмоқда. Биз бир неча марта ноҳия ижроия қўмитасига мурожаат қилганимиздан сўнг, шаҳардаги 5-қурилиш бошқармаси сув йўлини ўзгартиришни шу йилнинг 2-кварталига битказиб бериш ҳақида ваъда берган эди. Афсуски, 1990 йил якунланаётган бўлишига қарамай, ҳанузгача бирор ўзгариш қилингани йўқ». Бу хат юзасидан шуни таъкидлаш зарурки, маҳалла аҳли ариқ очиш учун ҳашар уюштиришга ҳаракат қилиб кўришган. Аммо бу иш техникасиз битмаслиги аён бўлди. Шу жойда яшовчи депутатлар ва совет ходимлари албатта маҳаллага ёрдам қўлларини чўзишади, деб умид қиламиз.

Юқорида тилга олинган манзараларни С. Раҳимов ноҳиясидаги «Сағбон» кўчасида ҳам кўриш мумкин. Бир нарсага ажабланасан, киши. Марказдаги кўчаларнинг кўпчилигида икки, ҳатто уч қатордан ёмғир сувлари кетишига мўлжалланган новлар ётқизилган. Аммо пойтахтнинг туб миллий аҳолиси истиқомат қилаётган. «Сағбон», «Зарқайнар», «Чувалачи», Форобий кўчаларининг ҳатто бир томонида ҳам йўқ. Шу боис ёмғир-қор ёғса кўчанинг бир томонини сув босади. Айниқса, «Сағбон»нинг чап тарафидан юриш у ёқда турсин, ўнг тарафига ўтиб олиш учун узоқликка сакрайдиган спортчи бўлиши керак. Бундай аҳволда болаларнинг ўқишга бориб келишини бир тасаввур қилинг-а. Ўттиздан ортиқ хонадон эгалари эса нураб бораётган деворларни ямайвериб, тинкалари қуримоқда. «Сағбон» кўчасига нов ўтказиш «Маҳалла» дастурига кўра 1993 йилга мўлжалланган. Демак, яна уч йил азоб чекишимиз керак экан-да», — деб хат йўллашибди муштарийларимиздан Амина ая Тоирова, Убайдулла ота Раҳимов ва бошқалар.

Мактублар билан танишар экансиз, беихтиёр хаёлингиздан бир ўй кечади. Маҳалла қўмиталари ҳам қиш фаслига тайёргарлик бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, ижроия қўмиталар кўмагида уларнинг бажарилишини назорат қилсалар камчилик ва нуқсонлар барҳам топган бўларди.

**С. ШОДИЕВ.**

СУРАТЛАРДА: «Сағбон» кўчасидаги нохуш манзаралар.

**Д. Аҳмедов** суратлари.

# Марҳамат, сўрайверинг...

С. ТУРСУНОВ: — Отамиз вафотидан кейин меросни тақсимлаш бўйича ака-укалар баҳслашиб қолдик. Ўзаро келишув бизни қаноатлантирмади. Илтимос, меросни тақсимлаш тўғрисида маълумот берсангиз.

Жавоб: — Мерос тақсимлаш бўйича шуни айтиш кераккки, бир неча ворислар томонидан қабул қилинган мерос мулки то ворислар ўртасида тақсимлангунча Гражданлик кодексининг 128, 137-моддаларида кўрсатилган умумий мулк ҳуқуқини ташкил этади. Бу умумий мулк ворисларидан бири мулкнинг берилишини талаб қилгунга қадар давом этади. Ҳар қайси ворис бу умумий мулкдан ўз қисмининг (ҳиссасини) ажратиб берилишини талаб қила олади.

Гражданлик кодексининг 612-моддасига мувофиқ, мерос мулки меросни қабул қилган ворисларнинг ўзаро келишувлари бўйича, ҳар қайсисига тегишли ҳиссаларга яраша тақсимланади. Ворислар ўртасида ўзаро келишувга эришилмаганда мерос мулки суд орқали тақсимланади. Мерос мулкини тақсимлашдан аввал марҳумнинг эри ёки хотинига умумий оилавий мулкдан тегиши лозим бўлган ҳисса аниқланиши лозим. Чунки бундай умумий мулк ҳиссасига Ўзбекистон ССЖ Никоҳ ва оила кодексининг 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон ССЖ Давлат Нотариати тўғрисидаги қонуннинг 55-56-моддаларига биноан алоҳида гувоҳнома берилади.

Мерос қолдирувчининг ҳаётлигида ҳомила бўлган, аммо туғилмаган ворис бўлгани ҳолда, ворислар мерос мулкини унга тегишли мерос ҳиссасини ажратганларидан сўнг, тақсимлашга ҳақли бўладилар.

С. СОБИРОВА: — Мен маҳалламизда жойлашган фабрикага ишга кирмоқчи бўлиб маъмуриятга мурожаат қилсам, ишга қабул қиламиз деб аввалги иш жойимга кўчириб ўтказиш тўғрисида хат қилиб беришди. Иш жойимдан ҳатга асосан бўшаб, ҳужжатларимни фабрика кадрлар бўлимига топшираётганимда «Сизни ишга қабул қилолмаймиз, ҳомилангиз бор экан», деб қайтариб юборишди. Энди мени аввалги иш жойимга олишмайди. Фабрика маъмурияти тўғри иш тутганми?

Жавоб: — Йўқ. Чунки аёл кишининг ҳомиладорлиги ёки эмизикли болалари борлиги туфайли ишга қабул қилмаслик учун қонун билан мансабдор шахслар ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. (ЎзССЖЖКнинг 143-моддаси). Уларга нисбатан олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 50 сўмгача жарима солиш ёки жамоат иззаси бериш билан жазо чораси белгиланиши мумкин. Демак, сиз ишга қабул қилинишингиз керак.

**Абдужалил ҲАСАНОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Уларни халқ суйган

# Сайфи ва Нажим ҳофиз

БУ ИККИ ҳофизни тошкентликлар яхши билишади. Қаерга боришса бир-бирларидан ажралишмасдан, худди ака-укадек эл-юртга хизмат қилишган. Улар қўлларига ликопча олиб, катта ашула айтишганда жарангдор овозларини халқ таърифи билан атасак етти маҳалла эшитарди. Тўй-ҳашамларда Навоий, Машраб, Бобур, Фузулий, Муқимий каби шоирларнинг ғазалларини ҳофизлар ижросида кўп марта тинглаганман.

1956 йил эди. Биз ўшанда Чиноз ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигида яшардик. Бир куни тошкентлик қариндошимиз устига тўн, бошига телпак кийган, ўрта бўйли, қирқ ёшлар чамасидаги меҳмонни бошлаб келди. Дадамга таниш экан. Улар анча пайтгача суҳбатлашиб ўтиришди. Кейин дадам: «Қани Нажим, бир ашуладан эшитайлик», деб қолдилар. Менга Нажим ҳофиз ҳақида кўп гапириб беришган эди-ю, ўзини кўрмаган эдим. Ликопчани тебратиб «Етимлар», «Норин» ашулалари айтилганда яқинроқ ўтирган эканман, очиғи қулоғим битиб қолай деди. Уйимиз йўлнинг ёнгинасида бўлганидан ўтган-кетганлар ҳам ҳеч қаёққа жилмай ҳофиз овозини мазза қилиб эшитишаётган экан. Тасодифни қарангки, шу куни қўшниларимиздан бириникида суннат тўйи бор эди. Ҳурмат юзасидан ҳофиз ҳам таклиф этилди. Кўпчиликнинг талаби билан «Фиғонким», «Бир келиб кетсун», «Боғаро» ашулаларини айтиб берди. Тўйга келганлар уни даврадан чиқармай «барака топинг, яна эшитайлик», дейишарди.

Асли «Бешқайрағоч» даҳасининг собиқ «Уч тепа» маҳалласида истиқомат қилган Сайфи ва Нажим ҳофизлар деҳқон фарзандлари. Оддий, камсуқум, босиқлиги билан бошқалардан ажралиб туришарди. Сайфи ҳофиз Нажим акага устоз экан. Улар халқ орасида бирдек обрў-эътиборга эга эдилар.

1980 йил, ёз фаслида маҳалламиздаги тўйлардан бирида икки ҳофизни яна кўрганимдан беҳад қувондим. Тўйни бошқарувчи: «Халқимизнинг севимли ҳофизлари, манаман деган санъаткорлар билан беллашиб, беллари қайишмаган Сайфи ва Нажим акалар хонадонимиз меҳмони. Отахон санъаткорлардан бир жуфт катта ашула эшитсак», деган эди ҳамма жим бўлиб қолди. Бир пайтлар навқирон ҳофизларни эндиликда мўйсафид ҳолда кўраётган таниш-билишлар уларга ўта ҳурмат билан боқишарди-ю, катта ашулани бошлашганда ҳамон жарангдор, босиқ овозлари кўп ёшларга ёқинқирамасди. Халқ ашулаларидан бири «Бир келсун» баралла янграганда барча чарчоқларимиз тарқагандек туюлди, назаримда.

**Сабо айтгил, бахти қомат бир келсун,**
**Қўлида хино, қошида ўсма бир келсун...**

Шундай бошланувчи қўшиқ сира эскирмагандек, дилларга ором бағишларди.

**М. АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон ССЖ Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.**

Акс садо

# «Санъаткор тўйга борса айбми?»

ЮҚОРИДАГИ сарлавҳа остида «Маҳалладош»да эълон қилинган мақола (11 октябрь, 1990 йил) кўпчиликнинг эътиборини тортди. Мен рўзнома саҳифаларида билдирилаётган фикрлар билан танишиб бораяпман. Айниқса ССЖИ ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзоси З. Маҳамаджоновнинг куюнчаклик билан ёзган сўзлари маъқул бўлди.

Оиламизда тўққиз қиз бўлиб, шулардан тўрт нафарини турмушга чиқардик. Ҳар сафар қиз зиёфатига қийинчиликлар билан санъаткорлар топишга тўғри келди. Очиғи, уларнинг бирортасининг хизматидан кўнглимиз тўлмади. Сабаби, асосий мақсадлари дилрабо қўшиқлар ижро этиб, сидқидилдан кўнгилларни хушнуд этиш ўрнига тўйхонага келганлардан пул ундириш эди. Шу ёшга киргунимча баъзи хонадонларда отарчилар ҳар хил йўллар билан одамларнинг пул кистиришга мажбур қилишганининг гувоҳи бўлганман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, пахтакор бир килограмм пахта учун 0-25 тийин ҳақ олади. Отарчи эса бир зумда 5, 10 ёки 25 сўм пулни шилиб олади. Шунча маблағга эга бўлиш учун ишчи камида бир кун тер тўкиши керак.

Менимча, маҳалла қўмиталарининг раислари тўйларда бунга йўл қўйилмаслигига эришишлари зарур. Мен ҳуқуқшунос З. Маҳамаджоновнинг фикрини маъқуллаб, фирибгарлик йўли билан даромад орттираётган отарчиларга нисбатан жазо чоралари қўллаш вақти келди, деб ўйлайман.

**П. ҚОДИРОВА,**
**пойтахтдаги «2-беш йиллик» кўчасида яшовчи Қаҳрамон она.**

Томорқа хўжалигингизда

## ДАРАХТЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН АСРАШ

АКСАРИЯТ мевазорларга ҳашаротларнинг турли хиллари бир йўла зарар етказади. Шунинг учун ҳам комплекс кураш чоралари қўлланилади. Кураш чоралари цикл бўйича: қиш, баҳор ва ёз фаслларида амалга оширилади.

Қишки циклга қалқондор, халтали куянинг қишловчи авлоди, қонбити, ўсимлик каналари, қандала, гирдак куя ҳамда калмараз касаллигига қарши қаратилган тадбирлар киради. Қиш фаслида амалга оширилган кураш чоралари ҳамиша катта аҳамиятга эгадир. Чунки қалқондорлар шу даврада кўрилган тадбирлар натижасидагина қириб ташланади.

Дарахтларга нитроэмульсия кўпинча февраль ва март ойларида, куртак барг ёзгунча бир марта пуркалади. Бу ойларда мазкур ишларни амалга ошириш иложи бўлмаган ҳолларда хазонрезгилик тугаган кундан бошлаб куз ва қишнинг ҳар қайси ёруғли кунидан нитроэмульсия пуркаш учун фойдаланиш мумкин. Аммо ҳар қайси ҳолатда ҳам қаттиқ совуқ тушиши ва бунинг натижасида ҳароратнинг — 10 даражагача, ҳатто бундан ҳам пасайиши кутилганганда ҳаво совий бошлашидан 15 кун олдин препарат пуркаш билан боғлиқ ишлар тўхтатилиши шарт. Ҳаво ҳарорати + 8 даражадан паст бўлмаган ва шамол эсмаган кунлар дори пуркаш учун ёруғли ҳисобланади.

Дарахтларнинг катта-кичиклигига қараб ҳар бир дарахт шох-шаббасини тўлиқ хўллаш учун суюқлик 5—20 литргача сарфланади. Кичкина томорқа участкаларида касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда 5—10—20 литр ҳажмдаги автомакс пуркагич аппаратларидан фойдаланиш қулайдир.

**М. СОБИРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**



Боланинг тили ширин

**ҚУЁН**

— Дада, одам ҳам қуён бўладими?
— Йўқ, нима эди?
— Ҳали оййимга: «Бозордаги олиб-сотарлар мени кўриши билан жуфтакни ростлаб, «қуён бўлишди» дедингиз-ку!

**ҚОРНИ ОЧДИ**

— Ойи, қорним очди, — деди уч ярим ёшли Гўзал.
— Қорнинг очган бўлса, ана нон, овқат, олиб е, — деди унга Муқаддам хола.
— Қорним нонга, овқатгаяммас, музқаймоққа очди.

Сайфулло НАМОЗОВ.

Тоживой тажанг шаҳар кезади

# Қолган гапни кейин гаплашамиз



Шу ука туриб-туриб бир куфрим ошади-да. Нега дейсанми, баъзи нафси ҳакалак отган такси ҳайдовчиларни кўрибда. Кўча айланиб бир-икки марта таксига ўтириб кўрсанг биласан. Яна нимани дейди-я, бу ғалча. Кеча кўкноридан урганмисан дейман, ҳеч нарсага тушунмаяпсан? Бўпти, ҳадеб савол беравериб қонимга ташна қилмасдан эшит.

Анов куни учоқ қўнадиган жойга шошиб турувдим. Андижонга, оғайнимнинг тўйига келаётгандимда. Бир вақт топсанг сениям обораман. Асакани Чўнтагида ошга бир тўйдираман, сен хумпарни. Бўпти илжайма, эшит бу ёғини. Бешоғочда турибман де. Вақт оз, автобус йўқ. Такси тўхтатишга киришдим. Хайрият, биттаси келиб тўхтади. Бир одами бор экан. Ўша ёққа девдим, ўтир деди. Шу пайт яна бир киши ҳаллослаб келиб биз кетаётган томонни айтди. Хуллас, учовлон қайдасан аэропорт деб кетдик. Етганимиздан сўнг мен билан Бешоғочдан ўтирган кишидан икки сўмдан, олдиндан келаётган одамдан учни юлиб қолди ҳумпар. Кассасини ишлатмади. Шошиб турганда давлат белгисига ҳам қарамабман. Уларни текширадиган борми ўзи, нега кассангни ишлатмаяпсан, дейдиган? Ё «насиба»ларини олиб жимжим юришибдими?

Шунақа гаплар ука. Эртаindин бир шаҳар айланмоқчиман. Шунақа кассасини ишлатмай юрганларни кўрсам ўғил болачасига бир гаплашмоқчиман. Э йўқ, ўзи билан эмас, бошлиқлари билан. Нима дейсан: «таъсир қилармикин?» Жа қизиқ бола экансанку, ука нима шаҳар бедарвозами, биров ҳақини биров бемалол еб кетаверса. Бўпти, бор ишингни қил, қолган гапни кейин гаплашамиз.

Тоживой тажанг билан укаси Р. МУҲАМЕДОВ суҳбатлашди.

Мусаввир табассуми



— Кўрдингизми, адаси, маҳалладошимиз «Ойнаи жаҳон»дан ваъз ўқиб машҳур бўлмоқда. Сиз-чи, сиз қачон унга ўхшайсиз.



— Вой-ву, бу ерда боғли маҳалла бор эди, кулпарчин бўлибди-ку.



— Маҳалламиз аёллари бекорга касаначилик қилиб уйда қисилиб ўтиришибди. Бизга ўхшаб пул топишса маза-ку, а?



— 600 сўм! Бир жуфт этик учун уч ой ишлашим керакми, номард?

Шуҳрат СУБҲОНОВ чизган расмлар.

Маҳалладош

ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, Телефонлар 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.



«Номингиз унутилмайди, маҳалладошлар...»

А. Давронов сурат-лавҳаси.

Унутилаётган меросимиз

# ҚУДУҚ СУВИ

АЙТИШЛАРИГА қараганда бир камбағал йигит йўл ёқасидан қудуқ қазибди. Шу пайт қаёқдандир тиламчи чол пайдо бўлиб ичишга сув сўрабди. Энди чиқа бошлаган қудуқ сувидан қониб ичгач, йигитнинг саҳийлигига дуо қилибди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлибди. Шундан сўнг оддий қудуқ суви ширин сувга айланиб қолган экан.

Бу халқ ривояти қудуққа бағишланган бўлса ҳам гап сув ҳақида бораяпти. Қудуқ суви тоза, ёзда муздек, қишда эса илиқлиги, шифобахшлиги билан халқимизга маъқул бўлиб келган. Ота-боболаримиз қаерда яшашса, аввало сойлик, пастлик жойлардан дарров қудуқ қазишарди.

Дарё, ариқ, ҳовузлар бўлатуриб илгари шаҳар ва қишлоқларда қудуқлардан кенг фойдаланилган. Асрлардан бери бу жойдан олинадиган оби-ҳаёт тозалигига эътибор берилиб, алоҳида арқон, пақирлар тутилган, махсус ишланган қопқоғи ёпиб қўйилган. Ҳар бир хонадон эгалари қудуқ сувини тежаб ишлатишар, сув сўраганлар шаштини сира қайтармас эдилар.

Қудуқ қазишнинг ўзига хос машаққатли томонлари ҳам бўлган. Одатда тўрт бурчак, айланма шаклидаги сопи калта кетмон, чўкич, белкуракда ер қатлами кавланиб, тупроғи арқон боғланган пақирларда чиқарилади. Чиқаётган сувнинг таъми кўрилиб, чучук бўлсагина оқсоқоллар маслаҳати билан лойлардан тозаланиб, ичишга рухсат этилган. Қудуқ нураб, кўмилиб кетмаслиги учун тўрт тарафи тахта ёки оҳак тош қотишмалари билан ўраб қўйилади.

Сув тоза бўлиши учун ер бешикаст, соғломлиги катта аҳамиятга эгадир. Кейинги пайтда конларнинг қидирилиши, заҳарли химикат дорилар тинмай сепилиши оқибатида ичимлик сувлари ҳам булғатиб юборилди. Водопровод жўмраклари орқали сузиб берилаётган сувларни ичаяпмиз. Шулар аслида ариқ ва анҳорлардан олинади. Жўмракларни бурасак гоҳ занг, гоҳ бўтанали, баъзан эса оқ чойга ўхшаш оппоқ, хлорли. Шундай пайтда беихтиёр қудуқ суви ҳақида ўйга толасан, киши.

Илгари Тошкентдаги кўплаб маҳаллалар ва хонадонларда қудуқлар бўлган. Сув бир мунча чуқурдан чиқарди. Бора-бора қудуқлар кўмилиб кетди. «Ҳозир қудуқдан фойдаланиб бўладими, одамларнинг қандай яшашаётганини кўриб турибсиз-ку», дейди кимдан сўрасам. Ҳайрон бўлиб, ўйимнинг тагига етолмайман. Ахир яқин йилларгача чойхоналар, темир йўл маркази ва бекатлардаги қудуқ сувларидан кўп марта ичганман. Демак, одамлар бир-бирлари билан қандай яшашаяпти, иноқми, ноаҳилми, маълум даражада қудуқлар ҳам билдириб турар экан-да.

Хайрият фан-техника ривожланиб, олимлар артезиан қудуқларини ўйлаб топишди. Мана, бир неча йилдирки, бундай муъжизалар жумҳуриятимизнинг бир қанча жойларида ҳар томонлама бехавотирлиги билан халққа манзур бўлаяпти. Пойтахтимизда ҳам улардан кенг фойдаланиш зарур, деб ўйлайман.

М. РАМАЗОНОВ.

Фаолларимиз

# БИЗНИНГ ТУРҒУНБОЙ

Эсимда, 1964 йилнинг куз кезлари. Шаҳардаги баъзи маҳаллалар каби «Пахта» маҳалласи жуда қийин аҳволда қолган эди. Чунки иккита жамоа хўжалиги ўртасига жойлашган бу маҳалла қаддини ростлашга имкон йўқ эди. Бунга хўжалик раҳбарлари ҳеч йўл беришмасди. Маҳалла шу даражада кичик эдики, унда истиқомат қилувчиларнинг сони 300 кишига ҳам етмас эди. Улар турли ташкилотларда меҳнат қилишар, бу эса жамоа хўжалиги раҳбарларига ёқмас. «Колхоз»да ишламасаларинг Чилонзорга кўчириб юбораман» деб пўписа қилар эдилар.

Шундай қийинчиликларга қарамай маҳалланинг умумий йиғилишини ўтказдик ва ёш муҳандис Турғунбойни раис этиб сайладик. Шунда «бу боланинг қўлидан нима иш келарди» деб кулганлар ҳам бўлди.

Йўқ, халқ янглишмаган экан. Ўтган 26 йил ичида маҳалламиз фақатгина С. Раҳимов районида эмас, шаҳардаги обрўли маҳаллалар қаторига чиқиб олди. Унда ҳозир 5000 дан зиёд аҳоли, 500 дан ортиқ оила истиқомат қилади. Улар ўзаро иноқ. Тўйларимизни айтмайсизми, ҳар бири файзли, ҳавас қилса арзийдиган даражада ўтади.

Яқинда навбатдаги ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Унда Турғун Иноғомов яна бир овоздан раисликка сайланди. Шу кунларда район ва шаҳар раҳбарлари ҳамда депутатларнинг ёрдами билан маҳалламизда олти ярим километр масофада канализация ишлари олиб борилмоқда.

Маҳалла аҳлининг ғайрати билан Т. Иноғомов бошчилигида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ва бедарак кетганларга Ёдгорлик тоши ўрнатилди. Бизда ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу сабабли ёшлар ўртасида тартиббузарликлар, кишилар ғашига тегадиган ишлар бўлмайди. Бунда оқсоқоллар кенгаши, ёшлар билан ишлайдиган комиссиянинг хизмати катта. Бу ишларнинг бошида эса бизнинг Турғунбой турибди.

Миробит САМИҚОВ,
халқ депутатлари ноҳия Кенгаши депутати.
Хайриддин ҲОШИМОВ,
маҳалла аъзоси.

# Янги маскан қувончлари

БИЗНИНГ кўп йиллардан бери орзу қилиб юрган ниятимиз рўёбга чиқди. Ниҳоят маҳалламизга қўмита хонаси ва дам олиш маскани қилиб бир қаватли бино фойдаланишга берилди. Бу жойда қўмита аъзоларининг ишлаши учун қулайликлар, аҳоли кечқурун дам олишига чойхона ва унинг атрофида 12 сотих боғ бунёд қилдик.

Қувончлиси шундаки, ҳозир тикиш-бичиш, мусиқа, гилам тўқиш каби тўгараклар ишлаб турибди. Бундан ташқари 52 бола араб тилини ўрганмоқда. Шулардан 12 нафари бемалол эскича китобларни ўқий олишади. Кечагина кўчада тўполон қилиб юрган фарзандларининг бўш вақти кўнгилли ўтаётганидан ота-оналар беҳад хурсанд бўлмоқдалар. Болалар йиғилганда Эргаш ота, Ҳоживой ота, Маҳкам акаларнинг одоб-эътиқод тўғрисидаги сўзлари ва ҳикояларини катта қизиқиш билан тинглашмоқда.

Биз мавзеларда яшасак ҳам ҳозир ҳамма қулайликларга эга бўлдик ва ниҳоят енгил нафас олаяпмиз.

Н. ЗУҲУРОВ,
Сергели районидаги «Иттифоқ» маҳалла қўмитасининг раиси.

Ён қўшни—жон қўшни

**Инсон — инсонсиз яшай олмайди. Бу чин ҳақиқат. Ёнма-ён ҳовлида яшаб, қўни-қўшни билан ҳамдам, ҳамкор ва ҳамдард бўлиш ҳам ҳаётнинг гашти, умрнинг лаззати ҳисобланади. Халқимиз қадимдан ҳар бир маҳалладошини, қўшниларини худди ўз оила аъзоларидек ҳурмат-иззат қилиб, қадр-қимматини ўрнига қўйиб келади. Қуйидаги шингил воқеалар яхши одат-анъаналаримиздан баъзи намуналар бўлиб, буларга ҳавас қилсак, ибрат олсак арзийди.**

# ТАНСИҚ ОВҚАТ БАҲОНА

ФАЙЗЛИ икки ҳовли ўртасидаги деворнинг юқори томонида, одам бўйи етадиган жойда туйнук бор. Фазилат хола ён қўшниси Тўтихонни шу туйнукдан бот-бот чақириб туради:

— Тўтихон, ҳой Тўтихон, бугун калла-хасип солувдим, бир коса сизга илиндим, тасаддуқ!..

Гулдек табассум қилиб Тўтихон туйнук олдига келади:

— Вой, нима қилардингиз овора бўлиб, Фазилат хола, бекор уринибсиз-да...

— Ҳа, энди, калла-почча, хасип ҳам тансиқ овқат-да, ўргилай, оғзингиз тегсин, дедим-да...

—Шошманг, шошманг, Фазилат хола, — дейди косадаги овқатни олиб Тўтихон. — Мен ҳам қази-қарта солиб, кокилдай норин қилгандим, бир тақсимча чиқармоқчийдим, ҳозир олиб чиқаман.

Тўтихон чаққон югургилаб, пахта гулли тақсимчада зира билан мурчланган пиёз ҳидлари гупиллаб турган норинни Фазилат холага узатади:

— Қўлингиз дард кўрмасин, нориннинг хамирини боплайсиз-да, тасаддуқ, — деб завқланади Фазилат хола.

— Аёл киши пазанда бўлса, уйдагиларнинг роҳати-да... Сизнинг норинингизни кўзимга суртиб ейман, тасаддуқ.

Ёнма-ён икки қўшни девордаги туйнук орқали бир тақсимча ноз-неъмат билан бир-бирларига ҳурмат-эҳтиромларини ана шундай изҳор қилишади. Бу ўринда гап бир луқма овқатда эмас, қўни-қўшнининг ўзаро диққат-эътибори, қадр-қиммати, меҳр-оқибати ифодасини топади. Маҳаллаларда қўшнилар бир-бирлари билан девордан туйнук очиб, ҳатто кичик эшик қуриб яқин муомала-муносабатда бўлишади, бир ҳовлида тўй бўлса, қўшнининг уйида қозон қуриб ош дамланади, одамлар ўртасида бир-бирига дилдан қилинган химмату-хизмат туфайли иззат-ҳурмат пайдо бўлади.

# УЙИНГИЗДА ТЎЙ БЎЛСИН

ЯХШИ ният — дилга завқ, танга қувват, руҳиятга мадад беради. Фазилат хола бирор қариндош-уруғнинг тўйига бориб келиши билан тугунни очади-ю, бўрсилдоқ нонларни, қатлама-юпқаларни, варақи-чучвараларни, ёнғоғу қанд-қурсларни расамади билан тақсимлаб, набираси Дилдорани чақиради:

— Оппоқ қизим, мана бу нон, қатлама, қанд-қурсларни олгинда, ҳар бирини Хатира бувинг, Муборак аянг, кейин Нодира кеннойингларни уйига олиб чиқиб бер...

— Нега уларга буларни берамиз, бувижон? — деб ҳайрон бўлиб сўрайди Дилдора.

Фазилат хола ёш набирасининг бунга тушунмаганига кулимсираб жавоб қилади:

— Тўйга борганимни ҳамма қўшнилар билишади, уларнинг ҳам оғзи тегсин деб, тўй неъматларидан бериш керак-да, болам... Ҳаммамизни тўйга етказсин.

Ҳа, ҳаммани тўйга етказсин. Маҳаллада ким тўйга бориб келдими, тугунда келган неъматлардан ён қўшнига «Сизнинг уйингизда ҳам тўй бўлсин» маъносида яхши ният билан тўй нони, қанд-қурсларидан улашилади.

# ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, ТАСАДДУҚ

КУНДАЛИК салом-алик, ҳол-аҳвол сўраш, сиҳат-саломатлик тилаш одамлар ўртасидаги яхши фазилат бўлиб, бу хислат туфайли одамларда меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат, ҳиммат-оқибат пайдо бўлади. Фазилат холани «Мевазор» маҳалласидаги қари-қартанг, ёш-яланглар, ҳамма қўшнилар жуда иззат-икром қилишади. Фазилат холанинг яхши фазилати бор-да. Ишдан бўш вақт топиши билан қўни-қўшниларникига чиқиб, ҳол-аҳволларидан хабар олади.

— Нодира келиннинг тоби йўқ эди, тузукми?

— Қодир ота касалхонадан келибдилар, бирров ҳол-аҳвол сўраб чиқайлик.

— Дилдора қизим. Меҳриниса опоқингдан хабар ол, бечора ёлғиз, уйини супуриб-сидириб, кир-чирларини ювиб, бер, савоб бўлади.

Бирдан Фазилат холанинг девор-дармиён қўшниси Тўтихон ая шамоллаб, ётиб қолди. Уйдагиларининг ҳаммаси иш-юмуш билан овора бўлиб кетишган. Бемор ёлғиз қолди. Фазилат хола бундан хабардор бўлиб, дарров уйда хўрда тайёрлаб, қатиқлаб Тўтихон аянинг оғзига тутди:

— Вой, нуқул жон куйдирасиз-а, Фазилат хола, қари одамсиз, нима қиласиз овора бўлиб, — дейди ҳижолат бўлиб Тўтихон ая.

— Қизиқмисиз, Тўтихон, сиз ён қўшним — жон қўшнимсиз, сизга қарамасам ким деган одам бўламан. Қани, мана шу қатиқли хўрдани иссиқ ичинг, тузалиб қоласиз, дардингизни олай, тасаддуқ.

Одам бир-бирига меҳр-оқибати билан одам! Ҳар доим бир-биримизнинг ҳол-аҳволимиздан хабар олиб, меҳрибон бўлиш — инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Т. АШРАФХОНОВ.

